УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УзССР


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 34 (8.769) ◆ 1996 йил ◆ 21 март, пайшанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ЭЗГУЛИК ВА ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

## Тошкент, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, 1996 йил 21 март

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ АЙЁМИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

*Азиз ватандошлар!*

*Дўстлар, меҳмонлар!*

*Аввало, юртимизга энг кўҳна, энг гўзал ва табаррук айём — муборак Наврўз кириб келгани билан муборакбод этаман.*

*Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатга баҳо беришдан аввал унинг урф-одатларига, байрамларига баҳо берилади.*

*Ота-боболаримиз азалдан вужуд-вужудларига сингиб кетган бу илоҳий байрамни интизорлик билан, зўр шоду хурамлик билан қарши олганлар. Бу қадимий ва муқаддас заминимизда неча-неча минг марта муборак Наврўз тонглари отган.*

*Янги фасл — янги йилнинг муқаддимаси бўлмиш бу шарофатли кунда она табиат уйғонади. Ер кўкда яшариш ва янгиланиш бошланади.*

*Наврўз асрлар давомида биз учун эзгулик, ҳурлик, озодлик тимсоли, инсон юрагида олижаноб ва ёруғ орзу-умидлар куртак очадиган фасл бўлиб келган.*

*Яқин тарихимизда — бизларнинг нафақат кўл-оёғимизни, балки онгимизни, шууримизни, миллий ғуруримизни кишанбанд қилган мустабид даврда юртимизнинг азалий Наврўз байрамига қанчаданқанча маломат ва ҳақорат тошлари отилди.*

*Шунга қарамасдан бу улуғ айём халқимиз қалбининг тўрида яшади. Ҳеч қандай ёвуз куч ҳам уни юрагимиздан юлиб ололмади.*

*Бунинг учун иродаси тоғдай бақувват, иймони пок, диёнати бутун халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.*

*Чунки Наврўз халқимизнинг асл миллий байрамидир. У биз кимларнинг авлоди эканимизни, қандай улуғ ва бой мерос ворислари эканимизни, қандай беқиёс салоҳият соҳиблари эканимизни жумлаи жаҳонга яққол намоён қиладиган маънавий бир кўзгудир.*

*Бугун Наврўзи олам маънавиятимизнинг ажралмас қисми сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.*

*Мустақиллик даврида кечирган беш йиллик ҳаётимизга назар ташласак, бу даврнинг Наврўз байрами маъносига, моҳиятига нақадар ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак эканини кўрамиз.*

*Зеро, Наврўз табиат оламининг уйғониши ва яшаришини англатса, Ўзбекистон истиқлоли халқимизнинг, юртимизнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатдан уйғониб, камолот касб этиб бораётганини англатади.*

*Халқимизнинг не-не мураккаб синовлардан матонат билан ўтиб, янги давлат, янги жамият барпо этиш борасида етиб келган марраларни, тарихимиз, улуғ аллома аждодларимизнинг муҳтабар номларини, муқаддас қадриятларимиз, шаъну шавкатимизни тиклаганимизни яна бир бор англатади ва таъкидлайди.*

*Юртимизга ёруғ кунлар кириб келаётганидан дарак беради.*

*Азиз дўстлар!*

*Наврўз ўз моҳияти билан хурсандчилик байрами. Гина-кудуратлар, хафагарчилик ва ўзаро аразлар унутиладиган байрам. Наврўз кўнгиллардаги ғуборни ювади, ғам-ғуссани кеткизади, янги умидлар бахш этади.*

*Бу байрамнинг яна бир улуғ фазилати шундаки, у барча яхши ниятли кишиларни ўзаро яқинлаштиради, бирлаштиради, ҳамкору ҳамнафас қилади.*

*Яхшиликни, дўстликни ҳамма нарсадан устун қўядиган диёнатли, иймонли халқимиз барча яқин ва узоқ қўшни бирадарларига бағрини кенг очади. Ўзбекистонни ўз юртим, ўз Ватаним деб яшаётган ҳар бир инсон билан, уларнинг миллати ва эътиқодидан қатъий назар, дўстона, аҳил бўлиб яшайди. Ўзбекистон деган бу саховатли ва бетакрор замин ҳаммага баробар ризқ-рўз сочади.*

*Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувлик, энг асл фазилатлар соҳиби бўлмиш халқимиз олижаноблигининг яна бир тасдиғи, яратганимизнинг иноъми деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Азиз дўстлар!*

*Бирадарлар!*

*Бугун халқимизнинг азалий ўдумига амал қилиб, ушбу гўзал айёмнинг ҳақиқий эгалари бўлмиш захматкаш деҳқонларимизга алоҳида ҳурматим ва муҳаббатимни изҳор этиб айтмоқчиман.*

*Янги мавсумингиз ҳам баракали бўлсин, хайрли бўлсин!*

*Меҳнатингиз унумли бўлсин!*

*Ерга қадаган уруғларингиз бехато униб чиқсин!*

*Азиз юртдошларим!*

*Бугун Наврўзи олам қутлуғ куни бутун Ўзбекистон аҳлига — нуроний оталаримизга, дуогўй оналаримизга, мунис аёлларимизга, ўғил-қизларимизга мен чин қалбимдан тилакларимни айтмоқчиман.*

*Илоё, бугунги наврўзий кайфиятингиз йил бўйи давом этсин!*

*Ҳар бир кунингиз Наврўз бўлсин!*

*Юртимиздан барака аримасин!*

*Ҳар бир оила буюк Амир Темур бобомизнинг қўрғони каби мустаҳкам бўлсин!*

*Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин бўлсин!*

*Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!*

*Наврўзингиз муборак, азиз ватандошларим!*

*Бугунги қутлуғ Наврўз тонгида менинг Оллоҳдан яна бир тилагим бор: кириб келаётган янги йилда Ўзбекистон заминида, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда тўю томошалар, қувончли кунлар кўпроқ бўлсин. Мен ҳам шу кунларда хизматингизда бўлай, шундай хурсандчилик кунларни халқим билан бирга баҳам кўрай!*



ЯНА оламни шодликка, бахтиёрликка ўраб Наврўзи олам келди. Яна Алишер Навоий номидаги миллий боғ бағрида тантана садолари кўкка етди. Яна ҳазрати Навоий мезбон сифатида Наврўз айёмига бош-қош бўлди.

Боғ бугун ҳар қачонгидан ҳам кўркамлик касб этди. Гўё ранго ранг камалак осмондан узилгану, шаҳримизга сочилиб кетгандек. Кечагина ёғиб ўтган туполончи қорнинг заҳри ҳам Наврўз илиқлигидан йўқ бўлиб кетди. Шаббода эса ҳар бир кишининг қулоғига келиб шивирлаётгандек.

**Юлдуз бўлиб, ой бўлиб келдинг Наврўз,**
**Юртимга гул чирой бўлиб келдинг Наврўз.**
**Барчамизга улашиб бир жаҳон севинч,**
**Қалбимизни тоширдинг, той бўлиб келдинг Наврўз!**

СОАТ 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юртимиз аҳлини қутлуғ байрам билан табриклади.

Алишер Навоий номидаги миллий боғ самосини ўнлаб карнайларнинг садолари шодлик улашди. Наврўз тантаналари бошланди.

Томошаларнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, айниқса, миллий бўёқларга бойлиги барчани мафтун этди. Тантананинг илк дақиқалариданоқ халқимиз ўз Наврўзини қанчалар ардоқлаб, суюб, авайлаб келаётганлиги намоён бўлди. Айниқса, жарчиларнинг байрамга таклиф қилиши, кайвони аёлларнинг сумалак тайёрлаётгандаги айтган қўшиқлари, жажжи болакайларнинг оламга сиғмайдиган қувончлари биронта одамни бефарқ қолдирмади. Куй-қўшиқлар қанотида, гулбаҳорнинг баётида саҳнага оппоқ камалак мисол Наврўз ташриф буюрди.

Халқимизнинг миллий анъаналари, удумлари қанчалар ҳаяжонли эканлигига бугун яна бир бор гувоҳ бўлдик. Хусусан «Суст хотин, сузма хотин» қўшиғининг ижро этилиши, шундан сўнг худди ёмғир томчиларига ўхшаш биллурдек товланиб турган болакайларнинг пайдо бўлиши, Бободеҳқоннинг ризқ-рўз яратадиган қўлларига бўлган эъзозимизни беҳад ошириши шубҳасиз. Бободеҳқон ҳам халққа мурожаат қилиб уруғ сепилиши олдидан тилак билдириб фотиҳага қўл очишида беқиёс рамзийлик бор. Хусусан, томошаларда ижро этилган қўш солиш, уруғ сепиш, қўшоши тарқатиш сингари удумларимиз кўҳна, айни пайтда навқиронлиги билан ҳам кишилар юрагига бориб етди. Айниқса, кун илиқлигида Аямажузнинг бостириб келиши, оламни яна совуққа буркайман дея ҳаракат қилишлари, деҳқонларнинг унга қарши мардона туриши ниҳоятда ишонарли, ниҳоятда ҳаяжон билан акс этди.

Бу йил Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигини тантана қиламиз. Юртимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинган бу галги Наврўз айёми ана шу жиҳатдан ҳам фараҳли, илҳомбахш бўлгани шубҳасиз. Айниқса, Амир Темурнинг Наврўз сайлларида иштирок этиши, халқнинг орасида бўлиб яхшиликка, эзгуликка даъват этиши боғни тўлдириб ўтирган ҳамшаҳарларимизнинг қизғин олқишларига кўмилди. Томошалар ҳам айнан Амир Темур замонида Наврўз қандай кутиб олинган бўлса шу тахлитда ижро этилиши нур устига нур бўлди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг вакилларининг чиқишлари бошланди. Шуни ўрни келганда таъкидлаб ўтиш керакки, бу йилги Наврўз ниҳоятда халқчиллиги билан ажралиб туради. Алишер Навоий номидаги миллий боғда ташкил этилган халқимиз ҳунармандчилиги маҳсулотлари кўргазмаси барчани бирдек ўзига мафтун этди. Дарҳақиқат, Наманган атласининг, Бухоро зардузининг, Қорақалпоқ ғиламининг, Қашқадарё, Сурхондарё палагининг ҳар бир қатимида халқимизнинг асрий анъаналари, маҳорати мужассам. Кўзни олгудек ял-ял ёниб турган кимхоб либослар, Чуст пичоқлари, қўйинг-чи, серқуёш Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасидан тайёрланиб келтирилган таърифига сўз топилмайдиган буюмлар халқимизнинг қанчалар зариф ҳунарманд эканлигидан далолат беради.

Юртимиз санъати ҳам айнан шундай ранг-баранглиги билан Алишер Навоий номидаги миллий боғда намоён бўлди. Қорақалпоқ йигитларининг шаддод рақслари, Бухоро раққосаларининг нозигона ишвалари, Сурхон воҳасининг бетакрор қўшиқлари, Фарғона водийсининг нафаси уфуриб турган ажойиб ўйинлари Наврўз файзига файз қўшди.

Байрам поёнида осмонга пориллаб кўтарилган минглаб алвон шарлар Наврўз қувончларини, одамлар қалбидаги энг эзгу орзуниятларини мусаффо самога олиб кетди.

Байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Эркин Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар, чет эл ваколатхоналари раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

* * *

Байрам сайли бугун кечгача давом этади. Фақат Алишер Навоий номидаги миллий боғда эмас, шаҳримизнинг Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, Мирзо Улуғбек ёдгорлиги олдидаги майдонда, бошқа гўшаларда шодиёна садолари баралла янграйди. Шу куни эл севган санъаткорлар халқимиз хизматида бўлиб, энг янги, энг яхши қўшиқларини армуғон этадилар.

Наврўз тантаналарини кўрган киши шукроналик билан: «Илоё юртимиз тинч бўлсин, Мустақиллигимиз омон бўлсин», дейиши тайин. Биз билан суҳбатда ҳамшаҳримиз Манзура Набиеванинг: «Давлатимиз мустақилликка эришганлиги туфайлигина Наврўзни шундай байрам қилмоқдамиз. Биз шуролар даврида ҳатто Наврўзнинг номини тилга олиш ҳам тақиқланганидан яхши хабардормиз. Шунинг учун ҳам Россия Давлат думасининг 1991 йил Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақидаги қарори ҳаммамизга тошдек оғир ботди. Биз Президентимизнинг бу масаладаги қатъий йўлини якдил қўллаб-қувватлаймиз. Мустақиллигимиз бор экан миллий удумларимиз, қадриятларимиз барқарор турав ераді», деган гапларига ватандошларимиз ҳам қўшилиши шубҳасиздир. Наврўз тантанасида ўзбеклар билан бир қаторда рус ҳам, украин ҳам, қозоқ ва қиргиз, қўйингчи барча миллат вакиллари шод-хуррам иштирок этаётганини кўриб, унинг қанчалар халқчил байрамлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласан киши. Ҳазрат Навоий айтганларидек, ҳар тунимиз қадр бўлиб, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

***СУРАТЛАРДА:** Алишер Навоий номидаги миллий боғда Наврўз тантаналаридан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

❑ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов кеча АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

❑ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов кеча мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержини қабул қилди.

❑ Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раодан Президент Ислом Каримов номига мактуб олинди.

❑ Вазирлар Маҳкамасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш билан бир қаторда Марказий Осиё — Ҳиндистон автомагистрали қуриш режаси юзасидан фикр айирбошланди.

❑ Украина Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувини ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

❑ 1996 йил 1 апрелдан Россияда энг кам иш ҳақи миқдори 75.900 рубль бўлади.

❑ Бугун Тожикистонда Ҳамдўстлик мамлакатлари тинчликни сақлаш коллектив кучларининг режали машқлари тугади.

❑ Бугун АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Москвага келди. У Россия раҳбарияти билан Москвада ядровий қуролсизланиш бўйича тараққий этган 8 давлат раҳбарлари учрашувини тайёрлаш, бошқа халқаро масалалар юзасидан музокаралар ўтказади.

❑ 23 март куни биринчи марта Тайвань президентлигига тўғридан-тўғри ва эркин сайлов бўлиб ўтади. Хитой ўзининг таркибий қисми деб ҳисоблайдиган бу орол давлати раҳбарлигига тўрт номзод кўрсатилган.

❑ Прагада НАТОга аъзо бўлиб кириш ниятида бўлган Марказий ва Шарқий Европа 12 мамлакати ташқи ишлар вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди.

❑ Исроилнинг олий суди Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида террорчилар қариндош-уруғларининг 7 хонадонини портлатиб юборишга ижозат берди. Бу Исроилда террорчиликка қарши кураш чора-тадбирлари доирасида амалга оширилмоқда.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ БОЛАЛАРГА СОВҒАЛАРИ

Тошкентдаги меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаларини олдилар.

Собир Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйида ҳам ана шундай совғаларни топшириш маросими жуда ҳаяжонли кечди. Бу ерда уч ёшдан ўн ёшгача болалар тарбияланади. Мактабгача ёшдаги, биринчи ва иккинчи синф болаларидан 130 нафари улар учун Чирчиқдаги тикув фабрикаси чеварлари байрамга атайлаб тиккан янги костюмларнинг эгалари бўлдилар. Бундан ташқари уларга шу ёшда ҳар бир бола орзу қиладиган чиройли кичик велосипедлар ҳам совға қилинди. Президент номидан совғаларни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ва ХДП Собир Раҳимов туман кенгашининг биринчи котиби Шкурат Асомовлар топширдилар. Совғадан қувонган болакайлар шу ернинг ўзидаёқ болалар боғчасига тўташ бўлган катта боғ йўллари бўйлаб ҳозиргина тақдим қилинган велосипедларда кимўзар мусобақасини бошлаб юбордилар. Болакай ва қизалоқлар концерт қўйиб беришиб, ўз иқтидорларини ҳам кўрсатишди. Бундан меҳрибонлик уйининг директори Д. А. Зайнуддинова жуда ҳам яйраб кетди. Шундай бўлиши ҳам табиий-да! Бинобарин бу ерда хизмат қилаётган 26 нафар тарбиячининг ҳар бири ўз касбининг чинакам фидойиларидир. Ҳеч кимга сир эмаски, тарбиячилик қилиш осон иш эмас. Лекин меҳрибонлик уйининг тарбиячилари ўзларининг бутун қалб кўрларини болаларга бахшида этган ҳолда ишламоқдалар. Масалан, руҳшунос Мавлуда Абзалова ўттиз йилдан буён ўзининг кичик тарбияланувчиларининг катта муаммоларини ҳал қилиб келмоқда. 24-меҳрибонлик уйи В. Челноков номига қўйилган. Чунки у 1966 йили ёнғин пайтида боланинг ҳаётини сақлаб қолди-ю бунинг эвазига ўз жонини қурбон қилди. Мана шу биргина мисолнинг ўзи ҳам бу ерда болаларнинг чин меҳрибон кишилари ишлашидан дарак беради.

Шу куни болакайлар ва қизалоқлар қувончининг чеки йўқ эди. Улар меҳрибонлик уйининг йўлаклари ва катта боғнинг йўлкаларида шод бўлиб қувнадилар. Шу куни Ўзбекистон Президенти, ҳукумати шаънига энг самимий ва чин дилдан миннатдорчилик сўзлари изҳор этилди. Чунки болалар тўғрисида, соғлом авлод ҳақида кўрсатилаётган ғамхўрлик чиндан ҳам ҳар қадамда яққол сезилиб турибди.

Чилонзор туманидаги 23-логопед меҳрибонлик уйида ҳам катта ва илиқ ташаккур сўзлари изҳор этилди. Бу ерда мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар тарбияланади. Бу ерга гапиришида нуқсони бўлган болаларни олиб келишади. Шу боисдан ҳам меҳрибонлик уйи логопедик жиҳатдан ихтисослашгандир. Бу ернинг тарбиячилари ҳам олий тоифали, ўз касбининг мутахассисларидир. Масалан, логопед А. А. Морозова ўн тўққиз йилдан буён болалар атрофида парвона. Меҳрибонлик уйи директори С. С. Келдишева бошчилигидаги ажойиб жамоа болаларнинг тарбияси йўлида бутун куч-ғайратини сидқидилдан сарфламоқда. Уларнинг қилаётган ана шундай олижаноб хизматлари боисидан меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари концерт қўйиб беришганида бу ерга келган меҳмонлар бу болаларнинг нутқида бироз муаммо бор эканлигини ҳам сезмай қолдилар. Болалар завқ билан қўшиқлар айтишди, шеърлар ёдлашди. Лекин байрамларда бўладиган ҳаяжонланиш ҳам сезилиб турди. Ахир ҳаяжонланмай бўладими, ахир болакайларни совғалар ва байрамона зиёфат кутаётган эдиа!

Дарҳақиқат давлатимиз болалар тўғрисида чин маънода алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бу тушунарли албатта. Чунки улар мамлакатимизнинг келажагидир. Бугунги кунда ана шу келажак авлод уларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлишга муштоқ экан ана шу муштоқлик уларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар билан амалий тарзда қопланиб бормоқда.

***СУРАТЛАРДА:** Президентнинг болаларга совғаларини меҳрибонлик уйларида топшириш маросимидан лавҳалар.*

Тонгда ёмғир шивалаб ўтди. Ҳаво янада майинлашди. Осмоннинг тиниқ юзларида баҳорий булутлар ипак калавадай чувалади. Баланд биноларнинг сезгир антенналари «мўйловлари»да каптарлар ғу-ғулайди. Ана бахмал самони қанотлари билан қайчилаб» қалдирғочлар пайдо бўлишди. Иброҳим ака ёш боладай суюниб кетдилар:

— И-е, қалдирғочлар... Хуш келибсиз, қутлуғ келибсиз...

Дунё хушхабарга тўлиб кетгандай, юраклар яшаргандай, кўзларимга ҳайрат нури қуйилгандай севиндим. Ҳали толлар кучала ташлагани йўқ. Лекин дов-дарахтлар танасига яшиллик югуриб, куртаклар кийикчаларнинг шохларидай бўртиб қолди. Бойчечаклар қилтириқ томирларини ёйиб, аллақачон қаттиқ ерни қазилаб чиқди. Лолаларнинг алвон қадаҳлари шаффоф шудринг доналарига тўлди. Хожайи Бўстоннинг моҳира аёллари аллақачон сумалакка буғдой ундириб, олтиндайгина сумалакни дастурхонларга тортишди. Чечан ва ғайратли Хурсандой опа ҳиммат қилиб, ҳамсояларига сумалак улашдилар.

Буёғи-баҳор. Буёғи — Наврўз, буёғи — янги деҳқон йили. Ана энди десангиз, юраги умидларга бешик бўлган ўзбек эли ҳашарга бел боғлайди: ариқларни, йўлларни очади, кенгайтиради. Ҳовли-ҳаётини чаманзорга айлантиради. Ўзини улуғ ҳимматларга чоғлаб, хайрли, савоб ишларга қўл уради. Наврўз одамни юксалтиради, унга куч-қувват беради, мардликка ундайди. Табладаги отларнинг қўлтиғида қирқ газли қанотлари очилиб, ёлларини беҳишт шамоллар тарайди. Тулпорларнинг туёғи қизиб, пойгага, улоқ ва кўпкарига майдон сўрайди.

*Наврўз нашидаси*

# МЎЪЖИЗА ЛАҲЗАЛАРИ

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

**Хинолар боғланур тоғлар тошига,**
**Кийиклар чоғланур булоқ бошига,**
**Далага ошиққан деҳқон қўшига**
**Тупроқ бахмал-қавиқ гул бўлсин энди,**
**Ўланчим, ўланга йўл бўлсин энди.**

Тинч, осуда ҳаётга, бунёдкор кунларга ярашади ўлан ҳам, қўшиқ ҳам, Наврўз шодликлари ҳам. Наврўз эшик қоқиб турган аввал баҳор кунларидан бирида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси бир автобус аёлларни Тошкентнинг янги кўчалари, яшарган гузарлари, янги қад кўтарган бозорларини томоша қилдиришди. Эҳ-ҳе, иш ва уй ўртасида ғиз-ғизон бўлаётган бир тутамгина кунларда нақадар эзгу, кўламли ишлар амалга оширилибди пойтахтда. Эски шаҳарнинг шамол кирса, айланиб чиқиб кетолмайдиган тор, биқиқ кўчалари ўзбекнинг бағридай кенгайиб кетибди. Бозорларнинг гавжум, ораста расталарида мўл-кўлчилик. Шарқ эртаклари жозибасини эслатувчи мовий гумбазлар, ложувард қуббалар қадим Шошга улуғворлик бахш этибди. Етти иқлимдан дўстлик, тинчлик карвонлари кириб келаётган пойтахт шаҳар шундай яшарибди. Шарқона ва замонавий меъморчиликнинг мукаммаллигини ўзида акс эттирган муҳташам иморатлар пойдеворига шу азиз юртимизга эътиқод, садоқат йўғрилгандай.

Бу улкан Тошкент шаҳарнинг ҳар бир қаричини юрагининг харитасидай ёд биладиган Тошкент шаҳар меъмори Маҳаммаддамин Расулов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаевнинг ҳикояларида фарзандлик муҳаббатини кўрдим.

— Бу йил шаҳар ичидаги қурилишлар учун 9 миллиард сўм ажратилган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов.

Бу маҳобатли рақам замирида 9 миллиард азму шижоат, меҳнат, матонат, яна шунча уйқусиз тунлар, яна шунча осуда, хотиржам кунларни зарб этсак — беҳад чексиз залворли сонларга айланажак. Эски Жўванинг ўриклар, олчазорларга чулғаниб ётадиган, дарчаларидан ўнлаб гўдаклар мўралаб турадиган пастқам-пастқам тор кўчаларига осмон ва донғил хиёбонлар туташибди. Қайси юртнинг бозорига кириб, жаннатни оралагандай бўласиз? Унда, Эски Жўванинг ҳунармандлар расталарига йўл олинг. Бешикчалар, беланчакларни қучиб, камалак порлаб ётади. Бунда бахтиёр ҳаётнинг гўдакдай масъум кулгуларини эшитасиз. Бу бешикларда, беланчакларда XXI асрнинг, мустақил Ватаннинг янги насллари улғаяди. Қизилқумнинг исириқлари,қайдасиз? Бу расталар бошига, бу уккипар жиғали тўй дўппиларига балогардон бўлсин Аллоҳнинг буюк қудрати...

Йиғлоқи Ҳамал кеча-кундуз осмонни соғаверади. Ерга барака ёғаверади. Қурилмаган йўлкалар, Олой бозори этакларида хартуми полвон машиналар гувиллаб ер очади, пойдеворга жой кавлайди, томдай-томдай бетон плиталар уюлиб ётади. Гул расталарида эса баҳорнинг чодир-чаман гуллари. Одамлар шошадилар. Улар Вақтдан ўзмоқчи. Вақт эса югурик. Югурик замонда яна бир баҳорга, Наврўзи оламга етганига суюниб, юраклар кенгайиб кетади. Ҳайратнинг нур иплари Мустақиллик майдонига, варраклар дариллаб учаётган мусаффо осмонга боғланади: ёруғ дунё шодликларидан энтикасан. Одамлар улуғ, эзгу орзулари рўёбини одатда ҳайитларга, тўйларга, Наврўзга мўлжал оладилар.

— Худо хоҳласа, мана бу боғлар, иморатлар силсиласини Мустақилликка қуриб битказамиз. Амир Темур хиёбонига уйғунлашади, — дейди яна ҳоким ўринбосари...

Мустақилликка... Бу азим сўз. Таянч нуқта. Мувозанат белгиси. Биз учун Қутб юлдузи. Ҳаётимиз, умримиз, ишларимиз, байрамларимиз, юрагимиз ўз ўқи атрофида айланганидек Мустақиллик атрофида сайёрадек айлансин.

Наврўзнинг бу йилги қадами юксалишдан элчи бўлиб келди. Хуш келибсиз, эй янги куннинг, янги баҳорнинг элчиси, қутлуғ келибсиз! Эй, одам наслининг азалий дўсти, қорақўзли қалдирғоч, сиз ҳам хуш келдингиз бизни суюнтириб. Келмоғингизда яхши нишона бор — меҳр кўрган, обод ва иссиқ уйига қайтади қалдирғочлар! Мана шу буюк қувонч — тинчлик, эминлик, ижод ва ҳаётбахш орзулар баҳори элимизга буюрсин.

**Яна кўк тоқида варрак дариллар,**
**Чўпон чайласида гулхан гуриллар,**
**Бинафшани кўзга сурган қаррилар,**
**Ҳар дуо сўзингиз таборак бўлсин,**
**Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!**

**Харсанглар, заранглар момиққа айлан,**
**Нокасу ножинслар холиққа айлан,**
**Оғзи қон бўрилар, ошиққа айлан,**
**Мўъжиза кезингиз таборак бўлсин!**
**Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!**

Кеча ва кундуз тенглашган, дунёнинг янги умри бошланган мўъжиза лаҳзасида барча эзгу тилакли юртдошларимга бахту саодат, баҳорий жўшқинлик, хонадонларига файзу барака тилайман.

*1996 йил — Амир Темур йили*

# СОҲИБҚИРОННИНГ СИРЛИ ТОШЛАРИ

Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан боғлиқ ҳар бир осори-атиқа, қадамжолар биз учун ғоят табаррукдир. Президентимиз Ислом Каримов йил бошида сўзлаган нутқларининг бирида: «Амир Темур номи билан боғлиқ қадамжоларни ободонлаштириш, иншоотларни таъмирлаш ишларини юксак даражада ўтказиш бугунги кунда барча мутасадди раҳбарлар, қолаверса, шу юрт ҳар бир фарзандининг муқаддас иши бўлмоғи керак», — дея алоҳида таъкидлади. «Бунинг учун, — деди юртбошимиз, — қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз, қанча олтин ёки маблағ керак бўлса сарф этишимиз лозим. Зеро, буюк бобокалонимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносибдир».

Соҳибқирон бобомиз тарихда шунчалик чуқур из қолдирган зотки, юртимиз, қолаверса бутун Туронзамин ва Шарқ мамлакатларида ҳам Амир Темур номи билан боғлиқ обидалар, осори-атиқаларни кўплаб учратиш мумкин. Бобокалон буюк салтанат туғи остида бирлаштирган барча халқлар, мамлакатларни адолат назари билан бошқариб, обод этган. Чунончи, у Ҳирот, Кобул, Табриз шаҳарларида, Эрон, Озарбайжон, Доғистонда кўплаб иншоотлар, масжид ва мадрасалар қурдирган. Қорабоғда узунлиги 7 фарсах келадиган ариқ кавлатиб, номини Барлос деб қўйган экан. Шунинг учун ҳам фатҳ этилган ўлкаларда ва умуман бутун оламда буюк Амир Темурнинг номи тарихда ўтган бошқа жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинади. Масалан, улуғ бобомиз Доғистондаги кичик бир қишлоқда тўхтаб, шу ерда шаҳар қуришга амр этган, кейинчалик бу шаҳар Темурхоншур деб номланиб, пойтахт мавқеига эга бўлган экан. Махачқалъа яқинидаги қўмиқ қишлоқларидан бири Темурбос (Темур қудуғи) деб юритилган. Ҳатто, рус князлари ҳам мўғул истибдодидан халос этганлиги учун Елец шаҳрида бобокалонимизга ёдгорлик, Тобольск яқинида қизлари шарафига минора қурдирганлар. Франглар Амир Темурга олтиндан ҳайкалча қўйганликлари ҳақида эса кўпчилик билса керак. 1853 йилда Англиянинг Олд Вик театрида Карл Марлонинг «Буюк Темур» фожиаси саҳналаштирилган ва у ҳозиргача ижро этилмоқда. Бундай асарлар ҳақида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Ғарбнинг машҳур мусаввири Рембранд ҳам соҳибқирон суратини ишлаган экан...

Албатта, буларнинг бариси дунё аҳлининг буюк инсон — соҳибқиронга бўлган чексиз эҳтиромини ифодалайди.

Бобомиз шу тупроқ фарзанди сифатида юртнинг шаҳар ва қишлоқларини обод этиш учун қайноқ меҳрини аямаган. Бугунги кунда ҳам Самарқанд ва Шаҳрисабздаги оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган обидалар буюк Амир Темурнинг мангу шуҳратидан сўйлаб турибдилар.

Соҳибқирон Амир Темурга тегишли осори-атиқалар, қимматбаҳо буюмлар ҳозир турли мамлакатлардаги музейларда ёки одамлар қўлида сақланмоқда. Масалан, соҳибқиронга тегишли — «Чироғи олам» ва «Кўҳи нур» олмослари Буюк Британиядаги Букингем саройининг «Ҳиндистон» хонасини безаб турибди. «Чироғи олам» ёқутда араб алифбосида қуйидаги ёзувлар бор: «Бу Исфаҳонга 1153 йил Ҳиндистондан олиб келинган ёқут, шоҳлар шоҳи Султон соҳибқиронинг йигирма беш минг асл жавоҳиротларидан биридир».

Яна бир бебаҳо осори-атиқа — соҳибқироннинг қиличи бўлиб, уни инглиз олими Жексон 1903 йили Теҳрондаги сарой музейида кўрганлигини ёзиб қолдирган. 1740 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг қўшини Самарқандни босиб олганида Амир Темурнинг қиличи, совути, Амир Темур жомеъ масжидидаги етти хил маъдан қоришмасидан ясалган дарвозани ва ҳатто қабрига ўрнатилган яшм тоши ҳам тўп канорасига ортилиб, Машҳадга олиб кетилган экан. Кўп ўтмай яшм тоши ўз жойига қайтарилган, аммо дарвоза, совут ва қиличнинг дараги номаълум.

Айтишларича, ҳозир Мозори Шариф шаҳрида яшаётган шаҳрисабзлик фуқарода Оқсаройнинг лойиҳаси сақланаётган экан. У махсус терига чизилган каттагина китоб шаклида бўлган дейишади...

Юртимизда буюк бобокалонимиз номи билан бевосита боғлиқ бир нечта сирли тошлар борки, буларнинг қийматини олтин-кумушлар билан ҳам баҳолаб бўлмайди. Улардан биринчиси — соҳибқирон қабри устига ўрнатилган ноёб нефрит — яшм тош бўлиб, унинг тарихи жуда узундир. Фақат шуни айтиб ўтиш кифояки, сирли хусусиятларга эга деб ҳисобланувчи нефрит— яшм тоши, ниҳоятда ноёб тош бўлиб, фақатгина Қашқар ва Хитойда учрар экан. Маълумотларга кўра, ҳозир дунёнинг бир нечтагина мамлакатида ушбу қора-яшил тусли тош бўлаклари мавжуд ва уларнинг энг йириги Гўри Амир хилхонасидаги Амир Темур қабри устига набираси Мирзо Улуғбек томонидан ўрнатилган яшм тоши экан. Айтишларича, Россия императори Александр III вафот этганида унинг Петропавловскдаги қабри устига нефрит тошидан ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлганлар. Шу мақсадда Сибирь ва Туркистонга экспедиция уюштирилиб, нефрит тошини ахтарганлар. Бироқ, барча ҳаракатлар беҳуда бўлиб чиққан, нефрит топилмаган.

Яна бир табаррук ёдгорлик — соҳибқироннинг тахти бўлмиш машҳур «қўктош»дир. Ўтган асрда яшаган рус тарихшуноси Владимир Череванский «Амир Темур» китобида Темур саройидаги қўктош ҳақида шундай ёзади: «Эшикнинг рўпарасида, ҳовлининг тўридаги девор ёнида «қўктош» деб аталадиган Темур тахти турарди, у ҳозир ҳам ўша жойда. Қабул кунлари тахт оқ намат билан ёпиб қўйиларди... Халқ эса қўктош осмондан тушган, у Пайғамбарнинг ўз содиқ қулига инъоми, деб ўйлар, уларнинг бу фикрига ҳеч ким эътироз билдирмас эди».

Абу Тоҳирхожанинг «Самария» китобига Садриддин Айний томонидан қўктош ҳақида ёзилган изоҳда шундай дейилади: «Ушбу «қўктош» ҳозирда Тупроқ қўрғон (бугунги арк) ичида сақланмоқда. У (узунча) шаклида бўлиб, узунаси тахминан ярим аршин, эни 2 аршин ва ердан юксаклиги бир аршин келади». Ушбу тош Самарқандга қаердан олиб келтирилганлиги ҳақида ҳам турли тахминлар бор. Самарқандга Гўри Амир зиёратига борган чоғимизда хилхона ҳовлисида, кираверишдаги дарвозанинг ўнг томонида ётган, бир қулочча келадиган узунчоқ, тўрт бурчакли кўк тош диққатни тортган эди. Ҳамроҳларимиз «Қўктош» шу бўлса керак», — дея фикр билдиришди, аммо маълумотли йўл бошловчи бўлмаганлиги сабабли буни аниқлашнинг иложи бўлмади.

Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор қабристонида сақланаётган «Полвонтош» ҳам соҳибқирон номи билан боғлиқ осори-атиқалардан биридир. Узунлиги 60-70 сантиметр келадиган, махсус шакл бериб тарошланган кўкиш тусли бу тош юзлаб йиллар давомида кўтарилиб, сийпаланаверганидан силлиқ бўлиб кетган. Хўжаилғорлик Баҳром ака Раҳматовнинг айтишларига қараганда, «Полвонтош»нинг оғирлиги 6 пуд, яъни 96 килограмм экан. Бу тошни Амир Темур бобомиз ўсмирлигида бемалол кўтариб, Хўжаилғор тепалигига олиб чиқиб-тушар эканлар. Ҳозир ҳам қишлоқ ёшлари, зиёратчилар айниқса сайилларда, байрам кунлари келишиб, «Полвонтош»ни кўтариб мусобақалашадилар. Қизиғи шундаки, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етавермас экан... Унда қандайдир сирли хусусият бор, дейишади. «Полвонтош»га тикилиб ўйга толамиз: «Наҳотки, мана шу силлиқ тошга буюк соҳибқирон бобомизнинг ҳам қўллари теккан!» Маҳаллий аҳоли ўртасида сақланган ақидаларга кўра, «Полвонтош» Амир Темурга тегишлидир. Тошнинг забони йўқ, аммо унда қанчадан-қанча маълумотлар, тарих «сингиб» ётибди. Амир Темур номи билан боғланиб, табаррук саналган ушбу тош ҳозир Хўжаилғор қишлоғида турибди, йўлингиз тушса албатта бориб кўринг.

Худди шундай сирли «Полвонтош» тумандаги Тутак қишлоғида ҳам бор экан. Тутак қишлоғи Амир Темур номи билан боғлиқ маскан, унда соҳибқироннинг пирларидан бири — Тутак ота (Бобойи Валий) яшаган, дейишади. Бу жойдаги «Полвонтош» ҳақида эса қишлоқ кексаларидан бири — Салой бобо Сиддиқов шундай дейди: «Ўзи унча катта эмас, бу тош. Бир қарашда тошни кўтариш жуда осондек кўринади. Лекин беписандлик, совуқ юрак билан буни кўтараман, деганларнинг нечалари беланги бўлган, аммо ердан узолмаганлар. Ихлос билан, покланиб келувчи одам бўлса, буни бемалол кўтаради. Ҳатто ёш болалар ҳам кўтариши мумкин «Полвонтош»ни»!

Ҳа, қадим юртимиз тупроғи илоҳий сирларга лиммо-лиммдир. Бунда таваллуд топган буюк инсонларнинг ҳаёти эса, бу сирларга уйғунлашиб, боғланиб кетган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ана шундай зотлардан биридир.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*СУРАТДА: ривоятга кўра Хўжаилғордаги Амир Темур кўтарган «Полвонтош» мана шу.*

*Мустақиллик мевалари*

# ФАЗОГА ТАЛПИНИБ

Юртимизда бозор иқтисодиётига дадил ўтилаётгани баробарида фан-техника ривожига тамал тошлари ҳам қўйилаётганлиги биз ёшларни жуда қувонтирмоқда. Масалан, янги ташкил этилган Тошкент авиация институтида ҳаво кемаларининг янги ва замонавий намуналари лойиҳалаштирилиши, «Ўзбеккосмос»да эса, вақти келиб ўз фазовий кемаларимизнинг яратилишига ишонамиз. (Яхши ният — фазовий кемаларнинг номи балки «Турон», балки «Туркистон» бўлар!)

Мен Тошкент авиация техникумининг 3-курсида ўқийман. Уни битиргач, авиасоз-муҳандис мутахассислигини олиб, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайман. Менга бу касб жуда ёқади. Амалий машғулотлар бевосита бирлашманинг ИЛ-114 самолётларини йиғув цехида ўтказилади. Ўқув дастурида лойиҳалаш, самолёт қурилиши, иқтисод ва бошқа фанлар ўргатилади. Шунингдек, жаҳон самолётсозлигида эришилган энг сўнгги ютуқлар билан танишиб борямиз. Бунинг учун инглиз тилини билиш керак. Техникумда бу тил чуқур ўргатилади.

Ўқув масканимизда миллий мутахассислар ва талабаларнинг кўпаяётганлиги қувончлидир. Курсдошларим орасида бошқа вилоятлардан келиб ўқиётганлар ҳам талайгина. Дўстларим билан келажакда янги, кичик ўлчамли, қурилиши арзон бўладиган самолёт лойиҳалаштиришни орзу қиламиз. Яқинда шу ерда ўқиган бир собиқ талаба ана шундай самолёт лойиҳасини бизга кўрсатди. Унинг айтишича, бу самолётни қуриш ҳозирги шароитда қимматга тушар экан. Шунга қарамай, бу таклифлар биринчи қадам сифатида умид уйғотади.

Санжар ЖАББОРОВ,
Тошкент авиация институти талабаси.

*Шаҳримизнинг барча гўшаларида ўтаётгани каби 127-мактабда ҳам Наврўз шодиёналари нишонланди. Унда муаллима Роза Рўзметова ўқувчиларга Наврўз байрамининг тарихи, сумалакнинг шифобахшлиги, доривор кўкатлардан турли баҳор таомларини тайёрлаш ҳақида ҳикоя қилиб берди. Сўнгра болалар «Оқ теракми—кўк терак», «Арқон тортиш» каби халқ ўйинларини намойиш этишди.*

*СУРАТЛАРДА: Наврўз шодиёналаридан лавҳалар.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*

***Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисдаги нутқида бозорлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, бу хусусдаги барча камчиликларни очиб ташлади. Шундан кейин матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Деҳқон ва буюм бозорларини бошқаришни тартибга солиш, уларда савдони ташкил этишни ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни яхшилашга қаратилган Президент Фармони ва ҳукумат қарорини бажариш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу саволларга жавоб топиш учун Тошкент шаҳар савдо-харид уюшмасининг раиси Шукур Абдуллаев билан суҳбатлашдик.***

*Фармон ва ижро*

# БОЗОРДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ

**— Шукур Назирович, тан олиш керак, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда: «Бозор қадим замонлардан буён ҳалол меҳнат ва ҳалол савдо намоён бўладиган жой ҳисобланади. Афсуски, бугун бизнинг кўп жойлардаги бозорларимизда чайқовчи — олибсотар ҳукмрон. Бугун пештахталарда пешона тери билан ҳосил етиштирган деҳқон ёки боғбоннинг эмас, иймон-инсоф кўчасидан умуман ўтмаган, бирни ўнга пуллаётган чайқовчининг ошиғи олчи», деганларида бениҳоя ҳақ эдилар...**

— Дарҳақиқат одилона гап. Чиндан ҳам кейинги йилларда янги бозорларни барпо қилиш, борларини янада кенгайтириш, қайта таъмирлаш ишига катта эътибор берилмоқда. Бу мақсадлар учун кўп маблағ ва куч-ғайрат сарфланяпти. Лекин яхши ният билан деҳқонга қулайлик яратиш мақсадида қурилган бозорларимизда ким хўжайинлик қилаётганини бироз назардан қочирдик. Натижада бундай кимсалар яратиб берилган қулайликдан ўз манфаатлари йўлида фойдалана бошлашди. Президентимизнинг адолатли танқидларидан сўнг бу ҳолга кескин чек қўйиш учун тегишли давлат органлари билан олибсотарларга нисбатан қўлланадиган ҳуқуқий чора-тадбирларни кучайтириш устида қатъий иш олиб бораяпмиз. Хўш, булар нималардан иборат? Ҳозир барча бозорларимиз маъмуриятлари томонидан олибсотарларга қарши кураш олиб борадиган ҳайъатлар тузилди. Улар ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Бу ишда бизга милиция, солиқ хизмати ходимлари яқиндан ёрдам беришяпти. Ҳар бир бозорда уларнинг махсус пунктлари ташкил этилиб, унга ўз ишининг жонкуяри бўлган билимдон ходимлар бириктирилди. Улар нафақат олибсотарлар билан, балки деҳқонларга зўравонлик қилмоқчи бўлганлар, савдо хизмати кўрсатишнинг белгиланган қоидаларини бузувчи, рўйхатдан ўтиш, рухсатнома олиш ва солиқлар тўлашдан бош тортувчи шахслар билан ҳам муросасиз курашадилар.

Бозорларимизга асл деҳқон ва боғбонларни қанчалик кўп жалб эта олсак бу ўз навбатида орадан чайқовчини сиқиб чиқаришда қўл келади. Шу мақсадда қулайлик бўлсин учун бозорларда маиший хизмат турларини кенгайтиряпмиз. Тошкент вилоятининг турли туманларидан ва ўзга вилоятлардан маҳсулот олиб келадиган деҳқонлар хузурига махсус транспорт қатновини йўлга қўйяпмиз. Бугун бозор хузуридаги меҳмонхоналаримиз фақат деҳқонлар учун ишлаяпти.

**— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорида деҳқон ва буюм бозорлари, ярмаркалари негизида бошқаришнинг намунавий тузилмасига эга бўлган очиқ турдаги акционерлик жамиятларини ташкил қилиш, бозор дирекцияси ходимлари сонини аниқ белгилаш кўзда тутилган. Айтингчи, янги тузилажак акционерлик жамиятининг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?**

— Ҳозир шунга тайёргарлик кўряпмиз. Қисқа муддатларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Тошкент шаҳри бозорлари ва ярмаркалари акционерлик жамиятлари уюшмасининг тузилмаси ва низоми ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланади. Ушбу низом қўлимизга теккач, шу асосда фаолиятимизни бошлаб юборамиз. Дастлабки режага кўра шаҳримиздаги 18 та деҳқон ва 2 та буюм бозорлари таркибида 12 та акционерлик жамияти тузилиши кўзда тутилмоқда. Кўриниб турибдики, бу ҳукумат қарорида қайд қилингандек, штатлар қисқартирилишига ҳам тўла жавоб беради.

Энди акционерлик жамиятларининг вазифаларига келсак уларнинг вазифалари Президент Фармонида тўла-тўкис белгилаб қўйилган. Яъни унда: «Аҳолини кенг ассортиментдаги деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа истеъмол товарлари билан таъминлаш; деҳқонларнинг ҳамда бошқа озиқ-овқат ва буюм товарлари сотувчиларининг савдо-сотиқни амалга оширишлари учун зарур маиший шароитлар яратиш; ҳуқуқбузарларга қарши курашни кучайтириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат бошқа органлари билан биргаликда ушбу соҳада зарур тартибни таъминлаш ташкил этилаётган акционерлик жамиятларининг асосий вазифалари ҳисобланади», дейилган.

**— Шукур Назирович, қарорда бир ой муддат ичида деҳқон ва буюм бозорлари директорларини улар эгаллаб турган лавозимга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини синаш ҳамда ташкил этиладиган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг мансабдор шахсларини тайинлаш учун номзодларни тавсия этиш мақсадида аттестация ўтказиш кераклиги баён этилган. Бу масалада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Аттестация ҳайъати тузиб бўлинди. Унга 18 киши аъзо этиб тайинланди. Ҳайъатга Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев раҳбарлик қилади. Ҳайъат аъзолари орасида маҳалла, молия, солиқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва яна бир қатор ташкилотлар вакилларини учратиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аттестация синовидан бозор паттачилари ҳам четда қолишмайди. Уларнинг ҳар бирининг ўз вазифасига лойиқлиги пухта текшириб кўрилади.

**—Фармонда бозорларда савдо-харид фаолиятини юритиш хусусида қатор эркинлик ва қулайликлар ҳам бериш кўзда тутилган. Хусусан, даромад солиғи олинмаслиги бунинг исботидир.**

—Бу бозорларнинг келажагини ўйлаб қилинаётган катта ғамхўрлик белгисидир. Шунга кўра бозорлар ва ярмаркаларнинг хизмат кўрсатишдан, бозорлар ҳудудида жойлашган ер участкаларини ижарага беришдан, бинолари ва иншоотларидан фойдаланишдан, шунингдек бир марталик йиғинлардан тушадиган даромадлардан умумдавлат ва маҳаллий солиқлар олинмайдиган бўлди.

Бозорларнинг савдо-харид фаолиятини юритишдан олинадиган даромадлари умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан беш йил мобайнида озод қилинади.

Бозорлар ва ярмаркалар даромадлари умумий суммасининг 50 фоизи бозорлар, ярмаркалар дирекциялари ихтиёрида қолдирилади. Улардан жорий харажатлар, ишлаб турган бозорлар ва ярмаркаларни таъмирлаш, янгилаш ва янгиларини қуриш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун фойдаланилади. Даромадлар миқдорининг қолган 50 фоизи белгиланган тартибда маҳаллий бюджетларга йўналтирилади.

**— Президентимиз нутқида бозорларимиз ободлиги, уларни янгилаш, эскиларини кенгайтириб таъмирлаш масаласи ҳам тилга олинади.**

— Бу масала ҳамиша диққат марказимизда бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз яқин икки-уч йил ичида озмунча янги бозорларни ишга туширдикми? Улардан баъзиларини санаб ўтай: «Олой», «Авиасозлар», «Янгиобод», «Бешёғоч», «Сергели», «Ширин» деҳқон бозорлари шулар жумласидандир. Сергели машина бозори бугун-эрта фойдаланишга топширилади. «Миробод», «Бектемир» бозорлари янгидан қурилмоқда. Улар республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги тантаналари арафасида ишга туширилади.

**—Ҳозир харидорлар баъзи сотувчилар бозорларда, гўшт расталарида тошларозидан уриб қолаётганликлари ҳақида шикоят қилишмоқда...**

—Одамларни алдаш, тош-тарозидан уриб қолиш гуноҳи азим ҳисобланади. Лекин беш қўл баравар эмас. Нақадар аччиқ бўлмасин дарҳақиқат орамизда шунақа нопок кимсалар ҳам бор. Ҳозир уларга қарши кураш чора-тадбирларини кучайтиряпмиз.

Шу ўринда яна бир гапни қайд қилиб ўтиш лозим. Бозорларимиз «Ўзтайёрловсавдо» тасарруфидан чиқарилиб маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрига топширилиши ҳам айни муддао бўлди. Чунки бизга энг яқиндан ёрдам берадиганлар ҳам мана шу ҳокимликлар. Масалан ҳозирги дамларда ҳам шаҳар ҳокимлиги бизга ёрдам қўлини чўзиб турибди. Президентимиз Фармон ва кўрсатмаларини амалга оширишда ҳокимлик мададига таяниб иш кўряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Биз бозорларимизда қадимий анъаналар тикланиши, яъни улар одамларнинг муомала маркази бўлиб қолиши» учун ҳамма чораларни кўрамиз. Бутун фаолиятимиз мана шу мақсадга қаратилган.

Суҳбатдош Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*Она замин сирлари*

# ВУЛҚОНЛАР ФАРОВОНЛИК КЕЛТИРАДИМИ?

Индонезия — минглаб ороллар мамлакати. У яна кўплаб вулқонлар диёри ҳамдир. Умуман олганда сайёрамиз — Ерда ҳаракатдаги, узоқ ёки яқин ўтмишда сўнган, бугун-эрта уйқудан уйғониб, даҳшат соладиган вулқонлар минглаб учрайди. Улар ичида шундайлари ҳам борки, вақт ўтиши билан ўзларининг вулқон қиёфасини йўқотган бўлиб, уларни фақат геологларгина аниқлай оладилар. Жумладан ҳозирги кўпчилик тоғ чўққилари қадимий сўнган вулқонлардир. Бунга аввало Эльбрус, Казбек, Арарат мисол бўла олса, улар Уралда ва Олтойда ҳам учрайди.

Ўзбекистон диёрида ҳам 50 дан ошиқ қадимда ҳаракат қилиб сўнган вулқонлар топилган, Уларнинг энг қадимийси бундан 250 миллион йил аввал отилиб турган бўлса, энг ёши — 160 миллион йил муқаддам ҳаракатда бўлган. Марказий Осиёда энг охирги вулқон отилиши бундан 50 миллион йил муқаддам Иссиққўл атрофида содир бўлган. Олимлар қадимий вулқонлар изини Францияда, Венгрияда ва ҳатто Европа марказида ҳам борлигини кашф этдилар.

Ҳозирги замонда энг кўп ҳаракатдаги вулқонлар Тинч океанининг Шарқий ва Ғарбий қирғоқлари бўйлаб ҳалқасимон тизилган. Уларни олимлар «оловли маржон» деб атайдилар. Бу оловнафас тоғлар Камчатка, Курил ороллари, Япония, Филиппин, Индонезия, Янги Зеландия, Американинг ғарбий қирғоқларида жойлашган бўлиб, Аляска ва Алеут оролларига етиб боради. Одатда вулқонлар кўпинча вақтинча сўниб (бир неча 100 йиллар давомида) қўққисдан қайта уйғониши ҳам мумкин, Зеро вулқонлар табиат жараёнлари ичида энг даҳшатли ва катта вайроналикларга, қурбонларга олиб келадиган ҳодисадир.

Масалан, Индонезиядаги вулқонларнинг салбий ҳосилаларини кузатайлик: Папандаян — 2000, Галунг-Гунч — 4000, Келуд —5000, Марайи — 10000, Кракатау — 36.000, Тамбора — 92.000. Бу рақамлар фақат кейинги ярим асрда вулқонлар отилишида ҳалок бўлган инсонлар сонидир. Вулқон отилиш кучи тўғрисида фикр юритмоқчи бўлсак, қуйидаги далилларга мурожаат қилишга тўғри келади: 1815 йили Индонезиядаги Сумбаво оролида Табора вулқони «тилга кирганда» унинг овози тўпландан бир йўла кетма-кет отилган товушни эслатган. 1883 йилдаги Кракатау вулқонининг остидаги портлашдан пайдо бўлган зарбли ҳаво тўлқинлари ер куррасини 3 марта айланиб чиққан. Кракатау вулқонининг бўкириши минг километрли масофада ҳам эшитилган. Денгиз суви қирғоқдан чекиниб ҳосил бўлган сув тоғи портлаши тўлқинлар таъсирида бутун Тинг океанига ёйилган. Америка ва Африка қирғоқларига етиб, Добрая Надежда бурнини айланиб ўтган ва Англия ҳамда Франция қирғоқларига етиб борган. 30-40 метр баландликка эга бўлган тўлқин денгиз қўлтиғи қирғоқларига урилиб ўз йўлидаги қишлоқ ва ўрмонларни супуриб ташлаган. Тепаликларни эса текислаб юборган. Натижада 36 минг киши бу ёруғ жаҳондан кўз юмган.

Кракатау вулқони бевосита яқинида нималар содир бўлгани ҳақида Суматра оролининг бухтасида турган пароход денгизчилари кейинчалик шундай хабар берган эдилар: вулқон отила бошлагач улкан қора булут қуёшни беркитди. Ҳаводан аввало вулқон куллари, кейинчалик ёпишқоқ лойсимон нарсалар ёға бошлади. Бўғма газдан денгизчиларга ҳаво етишмай улар ҳарсиллай бошладилар, Қоронғулик борган сари қуюқлашар эди. Денгиз сатҳи эса қайнаётган қозонни эслатарди. Шунда кўпчилик қиёмат қойим бошланди деб ишонган эдилар. Шундан сўнг вулқон портлашлари давом этиб, ҳаво чанг-тўзонга гўё, у ғарбга томон ҳаракат қила бошлайди ва бир ой давомида бу ҳаво тўлқини ер куррасини айланиб чиқади. 60 кундан сўнг эса ҳаво қул зарраларига тўйинади. Бу ўз навбатида куннинг хиралашишига сабаб бўлиб Европада бир неча йиллар давомида кузатилган қизил шафақлар ҳосил қилади.

Ҳисоб-китобларга кўра кейинги 9 минг йил давомида сайёрамизда 5,5 минг атрофида вулқон отилишлари рўй берган. Улар ичида шундай кучлилари ҳам бўлганки, улар Еримизнинг айрим ҳудудлар тархини ўзгартириб юборган, Шулардан бири эрамиздан олдинги 1470 йилда Ўрта Ер денгизидаги Санторина оролида ҳаракатга келган вулқон бўлиб у ўша пайтда ҳар томонлама тараққий этган маданиятни ер юзидан супуриб ташлайди. Бинобарин Атлантида афсонасини ана шу вулқон билан узвий боғлайдилар.

Россияда Камчатка-Курил ҳудуди ҳаракатдаги вулқонлар маконидир. Бу ерда бир неча ўн оловнафас тоғлар жойлашган. Шулардан бири 1955 йил кузи —1956 йил баҳори давомида Безимянний тепалигидаги вулқондир. Вулқоннинг иккинчи отилиши жуда ҳам шиддатли бўлди: 30 марта вулқон оғзидан елпиғич шаклида оловли лахча чўғ кучли зарб билан отилиб чиқди. Натижада 30 километр радиусдаги ўрмон текисланди. Портлаш тўлқинлари ер куррасини айланиб чиқди. 45 километр баландликка отилган вулқон кулларини шамоллар учириб Лондонгача етказади. Вулқоншунослар бу ерда муттасил илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Уларнинг асосий мақсадлари — вулқон ҳаракатларини олдиндан башорат қилиш, унинг кучи ва иссиқлигидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш имкониятларини излаб топиш эди. Натижада яқин келгусида ҳаракатдаги вулқонлар инсонларга фақат вайроналик эмас, балки фаровонлик келтириши ҳақиқатдир.

Мақолани ўқиб чиққач, қуёшли Ватанимиз Ўзбекистоннинг бир бутун майдонга эга эканлигидан, мўътадил иқлим шароитлари, сермаҳсул табиий бойликларидан, даҳшатли вулқон отилишларининг йўқлигидан, онда-сонда бўладиган зилзилаларга тоқат қилиб, яратган Тангрига, табиий осойишта ҳаётимизга яна бир бор шукроналар айтасиз, деган умиддамиз.

Мирмажид ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог.

*Ҳамкасбларимиз*

# ИШОНЧ ЁРЛИҒИ

***Халқимиз ўз масъул вазифасини кўнгилдагидек уддалай билган фарзандини алқаб: «Мартабанг бундан-да улуғ бўлсин!» дейди. Бу оддий ва пурмаъно олқишга сазовор бўлиш инсондан бир талай сифат ҳамда фазилатларнинг уйғунлигини талаб этади. Айниқса, бу инсон бирор-бир масъул вазифада бўлса.***

***Саркорлик ҳозирга келиб юқоридан чизиб берилган чизиқдан чиқмаслик ва қўл остидагиларга буйруқ беришдан иборат бўлмай қолди...***



Бир пайтлар шундай эди. Энди бошқача. Энди раҳбар бўлиш, ишни юргазиш чинакам фидойиликни, ташаббускорликни ва энг муҳими истеъдодни талаб этади. Чунки энди раҳбар кишининг юрадиган йўлини кимдир юқоридан туриб ёритиб, кўрсатиб беролмайди. Ҳам жамоа, ҳам Ватан олдидаги бурч — раҳбарнинг йўлчи юлдузлари шулар.

Моҳир журналист ва жонкуяр раҳбар — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев билан бир жамоада ўн йилдан ошиқ хизмат қилиб шунга амин бўлдим: у ўз фаолиятидангина ҳузур-ҳаловат туя оладиган инсон. Дарҳақиқат, фаолиятсиз ҳузур-ҳаловат, роҳат йўқ. Халқимиз бу ақидага ҳам жуда ғузал таъриф бериб: «Меҳнатнинг таги роҳат», дейди. Аҳмаджон Мелибоевни иш жараёнида, муаммоларни муҳокама қилаётганда, иш юзасидан тўсиқларга дуч келинганда, газетанинг ҳар бир сонини сўнгги дақиқагача такомилига етказишга уринаётганда четдан кузатган киши: бу одам фаолият учун яратилган, тугунларни ечиш, — шароит ва имкониятни вазминлик билан холис баҳолаб баббаравар ҳисобга ола билиш йўлларини пухта эгаллаганига гувоҳ бўлади. Дарҳақиқат, масъул вазифа, мартаба мезони ҳам айни шуни тақозо этади.

Аҳмаджон Мелибоев кафти қаламдан қаварган, идроки меҳнаткаш халқимизнинг бебаҳо панд-ўгитларга бой маданий меросидан баҳраманд бўлиб камол топган ижодкорлардан. Унинг тинимсиз ижодий фаолиятига руҳ бағишлаб турадиган омил ҳам аслида орзу-умидлари, кундай ёруғ халқ донишмандлиги дурдоналаридир. Адибнинг «Ўнғор эртаклари», «Салим бобонинг саргузаштлари» китобларида элнинг эзгу-ўйлари, ёруғ кунлар ихтиёри муаллифнинг очиқ феъл-атвори, самимийлиги ва нурли ҳазил-мутойибаларига уйғун бўлиб жаранглаган.

Фаол кишиларнинг таржимаи ҳолига назар ташлаганингизда бундай инсонлар эрта учган турналар мисол турмуш уринишларига ўсмирликданоқ киришиб кетганига гувоҳ бўласиз. Аҳмаджон Мелибоев ҳам газеталарга илк хатхабарларини ёза бошлаганида, ажаб эмаски, ижод сеҳри, ёзувчилик меҳнати бир кун унга қўл келишини, жамиятда ўз ўрнини тайин этиш ва шахсини шу жабҳада шакллантира билишини режалаган бўлса. Ўш шаҳридаги қирғиз мактаблари учун рус тили муаллимлари тайёрлайдиган билим юртида олган дастлабки сабоқлар, Бойқўнғирда тобланган аскарлик хизмати йилларида орттирган тажрибалар, кейинча Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетидаги таҳсил — булар бари унинг учун улкан ҳаёт дорилфунунининг бошланғич сабоқлари эди.

70-йилларда ўзбек телеэкранларида энди-энди сиёсий шарҳловчи минбари пайдо бўлганида, халқаро мавзуда оммавий нашрлар чиқа бошлаганда — ўзбек журналистикаси мазмуни ранг-баранглаша бошлаганда етишиб чиққан бир гуруҳ журъатли, фаол журналистлар қаторида Аҳмаджон Мелибоев ҳам бор эди. Унинг халқаро мавзудаги «Бир заминда яшаймиз», «Умидли дунё» публицистик асарлари давр муаммоларини бутун мураккабликлари билан ёритгани туфайли ўз вақтида эътибор топди.

Аҳмаджон Мелибоев масъул вазифаларда хизмат қилиб келди. «Туркистон» (собиқ «Ёш ленинчи») газетасида, «Камалак» (собиқ «Ёш гвардия») нашриётида, собиқ Марказқўмда... Бугунги кунда халқимизнинг ардоқли газетаси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида.

Масъул вазифа мартаба, мансаб эмас, бу — ишонч ёрлиғи.

Назаримда, бугунги кунда эллик ёшини нишонлаётган республикамизнинг таниқли ва заҳматкаш журналистларидан бири Аҳмаджон Мелибоев бу ишончни ҳар жиҳатдан оқлаётир. Унинг феъл-атворидаги вазминлик, инсонгарчилик, жамоа маънавиятини, халқ маънавиятини, Ватан манфаатини кўзлаб иш юритиши — ҳозирги кундаги ватанпарвар ижодкорнинг намунали хизматидир.

Озод Ватанимизнинг маънавий камолоти йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётганлар орасида Аҳмаджон Мелибоевнинг ҳам муносиб ўрни борлиги эътирофга лойиқ. Бугунги кунда у матбуотдаги ўткир публицистик чиқишлари билан бирга жаҳонга донг таратган атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов ҳақидаги китобини ҳам ёзиб битириш арафасида.

Эллик ёш ёзувчи одам учун парвозга шайланиш муддати. Биз Аҳмаджон Мелибоевни ушбу сана билан қутлаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» жамоасининг, «Тошкент оқшоми» газетаси минглаб муштарийларининг эзгу тилакларини етказамиз: Сизни омад ва илҳом ҳеч қачон тарк этмасин!

Аҳмад ОТАБОЙ.

Ўрмонда икки айиқча — Маймоқвой ва Пахмоқвой яшар, иккаласи дўст, ўртоқ, лекин жуда уришқоқ экан.

Нима бўлибди-ю Маймоқвой Пахмоқвойни туртиб кетибди. Жанжални пулга сотиб оладиган Пахмоқвой қаёққа бошини уришини, ким билан уришишни билмай турган экан, баҳона топилибди. У Маймоқвойни шартта ёқасидан ушлаб олибди.

— Хўш, нега мени туртасан?— бўкирибди Пахмоқвой.

— Кўриб турибсанки, шошиляпман.

— Бундоқ у ёқ-бу ёққа қарасанг бўлмайдими? Кўз деганни нимага бериб қўйибди?

Маймоқ ҳам бўш келадиган хилидан эмас экан.

— Ўзинг ҳам нега йўл ўртасида қора ҳайкалдай кеккайиб турибсан, хўш, гапир!

— Қаерда туриш — бу менинг ишим, — қаддини ростлаб, кўракларини керибди Пахмоқвой.

— Шунақами?

— Шунақа.

— Унда билмабман, кечирасан, — пичинг қилибди Маймоқвой. Пахмоқнинг жаҳли чиқиб, юнглари ҳурпайиб кетибди.

— Билмайсан-а, билмайсан? Билиб туриб атай туртгансан.

— Ишонсанг-чи, аҳир, билмай қолдим.

— Йўқ, ишонмайман, — дебди ўжарлик билан Пахмоқвой, Маймоқвой ҳам терс тўнини тескари кийиб олибди.

*Болалик боғи*

# ХИЖОЛАТ

Эртак

— Хўп, туртдим, атай туртдим, хўш, нима бўпти? Бир жойинг камайиб қолдими? Тағин сени дўстим деб юрибман-а? Э, садқаи дўст кет!

— Ҳов, сал оғзингга қараброқ гапир, ахир биринчи бўлиб ўзинг мени туртиб кетдинг-ку!

Маймоқнинг пешонаси тиришибди.

— Бўлар иш бўлибди, бунча чўздинг. Нима, Айиқ бобонг темирчи ўтганми?

— Гапингни қара, ургандан туртган ёмон!

— Ҳм...

Пахмоқвой ҳали-бери шаштидан тушадиган эмасди;

— Борди-ю йиқилиб тушганимда нима бўларди?

— Ҳеч нарса...

— Ҳеч нарса? — унинг кўк-сариқ кўзлари ола-кула бўлиб кетибди.— Панжам синса-чи?

— Ўлмайсан, ваҳимачи.

— Сен кўполсан...

— Сен кўрқоқсан...

— Мен-а? — Пахмоқвой Маймоқвойга еб қўйгудек бўлиб тикилибди. Жанжал ҳали-бери тугай демас, икки айиқча ҳамон бир-биридан баланд келишга уринаркан.

— Сен кўрқоқ бўлмасанг, сал туртганимга шунча оҳ-воҳ қиласанми? Ким айтади сени полвон деб.

Пахмоқнинг панжаси муштга айланибди.

— Жуда ҳаддингдан ошяпсан-да? Нима, шапалоқ егинг келиб қолди-ми?

— Зўравонман, дегин?

— Зўравонман...

— Мендан калтак еб, ўмбалоқ ошиб, қочганларинг эсингдан чиқдими?

— Қачон?

— Ўн ойлик пайтимизда...

— Фу... Алмисоқдан қолган гаплар-ку! Ўшанда мен калтак еган бўлсам,энди сен ейсан, қайтар дунё!

— Мен! — бўғиқ овозда ўкирибди Маймоқвой.

— Ҳа, мана, сенга. Энди кўзингга қараб юрадиган бўласан.

— Мана сенга жавоби.

Айиқчалар солиша кетишибди. Маймоқ панжаси билан Пахмоқвойнинг чап юзига тушириб қолибди. Пахмоқвой дўстининг ўнг биқинидан дарча очиб қўйибди.

Уларнинг ичида яна анча-мунча аччиқ-аччиқ гаплари бор экан-ку, тўполон устига Айиқ тоға келиб қолибди, панжасини кўтариб, уришқоқларни тартибга чақирибди. Икки ўртоқ икки четга чиқибди.

— Хўш, полвонлар, нега уришяпсизлар, уят эмасми? Қани, гап нимадан ўтди? Ким ҳақу ким ноҳақ?

Айиқчалар жим...

Нега уришаётганларини уларнинг ўзлари ҳам билишмас, фақат «мен сендан қоламанми?» деб тортишаётгани аниқ экан.

— Хўш, гапиринглар...

Айиқ тоға ўсиқ қошлари тагидан уришқоқларга ғазаб билан тикилибди. Айиқчалар пинагини бузмай туришганмиш...

— Маймоқвой мени туртиб юборди, — дебди ниҳоят Пахмоқвой.

— Ана, ҳолос! Дўст-дўстни сал туртиб кетса нима қилибди? Кечириш мумкин-ку! Ёқа олишадиган ҳеч гап бўлмабди-ку? Тағин қадрдон дўстмиз, деб юрибсизлар-а? Уят-ей...

Айиқчалар оғиз очолмай қолишибди.

Рауф ТОЛИБ.

*Эл соғлиғи — юрт бойлиги*

# ҲАМКОРЛИК ҚАДАМЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбарият республикамиз оммавий ахборот воситаларида тиббиёт соҳасини ёритувчи журналистлар билан илк учрашуви бўлиб ўтди. Унда дастлаб ушбу нуфузли ташкилотнинг юртимиздаги масъул раҳбари, доктор Руфат Янсупов сўз олиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаолияти, мақсади, Европа минтақавий бюросининг вазифалари хусусида гапирди.***

Йиғилишда сил касалликларига қарши кураш Бутунжаҳон куни яқинлашаётгани сабабли Ш. Алимов номидаги Фтизиатрия ва пульмонология институтининг директори Абдулла Убайдуллаев сўз олиб, бугунги кунда жаҳон миқёсида сил касаллигининг тарқалиш даражаси ҳақида гапирди. Журналистлардан тушган силга қарши эмлаш чора-тадбирлари ҳақидаги саволга жавоб берар экан, у бу йил Тошкент шаҳри аҳолисини эмлаш ва ташҳис қўйиш учун махсус препаратлар тайёрлаб қўйилганини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда қандай ишларни амалга оширишни кўзда тутаётгани ҳақидаги саволга Руфат Янсупов жавоб берди. У ўз сўзида 1996-1997 йилларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш (КАРА дастури), юқумли касалликлар тарқалишини назорат қилиш (МЕКАКАР дастури), соғлиқни сақлаш иш тизимини ислоҳ қилиш (КАРНЕТ дастури), биринчи тиббий-санитар ёрдам ишини кучайтириш (ЛЕМОН лойиҳаси), режалаштиришнинг ахборотлар базасини яратиш (КАРИНФОРНЕТ дастури), атроф-муҳит ва саломатлик муаммоларига бағишланган (НЕХАП дастури) ишларни амалга тадбиқ этиш мўлжалланаётганини гапирди.

Ушбу масала бўйича ваколатхона ходими Лариса Жихарева қўшимча қилиш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу нуфузли ташкилот ёрдамида «Би-Би-Си» жаҳон хизмати билан ҳамкорликда бевақт ўлим, гиёвандлик, ичкиликбозлик, нотўғри турмуш тарзи кабиларга барҳам бериш чора-тадбирларида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида эканини таъкидлади.

Бундан ташқари амалга оширилиши мўлжалланаётган «Соғлом мактаб» ва «Соғлом шаҳар» дастурларининг моҳияти хусусида ҳам сўз борди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг юртимиздаги вакиллари бундан кейин оммавий ахборот воситалари ходимлар билан яқиндан алоқада бўлиш ниятида эканликларини, чунки аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда телевидение, радио ва матбуотнинг хизматига таяниб иш кўриш уларнинг асосий вазифаси эканлигини билдиришди.

Мажид РАИМОВ.

*24 март — сил касалликларига қарши кураш Бутунжаҳон куни*

# ДОИМИЙ НАЗОРАТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Республикамизда бугунги кунда сил касаллигига қарши режали равишда барча чора ва тадбирлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида инсон саломатлигининг мустаҳкамланишига ва унинг узоқ умр кўришига олиб келади.

Сил касаллигини келтириб чиқарувчи омиллардан энг асосийси тўғри овқатланмасликдир. Шунингдек касалликни чақирувчи жуда майда микробактериялар ҳам инсон танасига кириб дард қўзғайди. Бу мавжудотларни тарқатувчи бўлиб, сил билан касалланган инсонлар ҳисобланади, чунки ўпка силининг яра шакли билан оғриётган бемор бир кеча-кундузда 4-7 миллиардгача сил микробларини ташқи муҳитга чиқариб туради. Шунингдек касалланган ҳайвонлардан, айниқса, сигир сутидан ҳам дард юқиши мумкин.

Кўпинча сил касаллиги секин-аста тараққий этганлиги сабабли, у ўз вақтида аниқланмайди. Бунинг сабаби нимада? Маълум бўлишича, аҳоли орасида кўпчилик бу хасталик, унинг тарқалиш йўллари, болаларда касалликнинг дастлабки белгилари ва ниҳоят силдан сақланиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида етарли маълумотларга эга эмас экан.

Келинг, бу борада болалар саломатлигини муҳофазалаш хусусида сўз юритамиз. Хўш, бу касалликдан болаларни қандай асраш мумкин? Аввало болани ўз вақтида эмлаш ва қайта эмлашни тиббиёт ходимлари томонидан ўтказиш, унинг танасини чиниқтириш зарур. Чиниқтиришни бола ҳаётининг биринчи кунидан бошлаш керак. Об-ҳаво ва мавсумга қараб унинг тоза ҳавода бўлиши муддатини кўпайтириб бориш, ёшига, жисмоний ривожланишига қараб ҳаво, сув ванналарини қўллаш даркор. Мунтазам равишда эрталабки бадан тарбия ва ундан сўнг боланинг танасини ҳўл сочиқ билан артиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, болани сил касаллиги юқишидан ҳимоя қилиш, бунинг учун бола саломатлигини диққат билан кузатиб бориш керак.

Орасталик қоидаларига риоя қилмаган кишиларга сил касаллигининг юқиб қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Касаллик юққанда у ўзининг барча физиологик ҳимоя кучларини ишга солади. Бу кучлар ё кучайган ёки сусайган бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган эмлашнинг ҳар иккала усули (БЦЖ билан ва химиопрофилактика) силни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ҳамда қатор комплекс соғломлаштириш тадбирлари, аҳоли ўртасида, айниқса болалардаги сил билан хасталанишнинг сонини кескин камайтиришга олиб келиши мумкин. Болаларда силнинг олдини олишда ихтисослашган муассасалар муҳим роль ўйнайди (ясли-боғча, мактаб-интернатлар), бундай даволаш масканларида иш жуда яхши йўлга қўйилган. Уларнинг вазифалари болалар танасини чиниқтириш, мустаҳкамлаш шу билан сил касаллиги ривожланишининг олдини олишдир.

Раҳмат АЪЗАМОВ,
Ш. Алимов номидаги Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор.

# ДАСТУРЛАР БАЁН ҚИЛИНДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шу йилнинг 24 мартини сил касалликларига қарши кураш Бутунжаҳон куни деб эълон қилди. Барча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасида силга қарши кураш бўйича кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилди. Шу муносабат билан Ш. Алимов номидаги Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида республикамизда нашр этиладиган барча газета ходимлари, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси мухбирлари учун учрашув уюштирилди. Унда кейинги йилларда сил касаллиги дунёда кенг тарқалаётгани сабаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган дастурлар, республикамиздаги сил касаллигига доир маълумотлар баён қилинди.

Сўзга чиққан шифокорлар сил касаллиги, унинг келиб чиқиши, турлари, касалликни юқтирувчи сил таёқчаларининг ўзгараётганлиги, касалликнинг клиник жараёнлари, унга қарши кураш усуллари ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Журналистларни қизиқтирган саволларга институт директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Абдулла Убайдуллаев, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, профессор Раҳмат Аъзамов, эпидемиология экспедицияси бўлимининг мудири, профессор Равшан Ҳамроқулов ва бошқалар жавоб қайтаришди.

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

*Спорт*

# МУРАББИЙ ХОТИРАСИ

Геннадий Павлович Майбороданинг номи республикамиздаги спорт ишқибозларига яхши таниш. У ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини республикамиз спортининг тараққиётига бағишлади. 60-йилларда енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги беллашувларнинг бир неча бор ғолиби, 2,3 ва 4-СССР халқларининг собиқ спартакиадалари совриндори сифатида у бир неча йиллар фаол спорт ҳаёти билан банд бўлди. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида масъул вазифаларда ишлаб жонажон юрти спорт шуҳратини жаҳонга ёйишга катта ҳисса қўшди. Олимпия ўринбосарларини тайёрлаш республика билим юрти (Титов номидаги собиқ спорт-интернат)да ҳам ўн йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб, кўплаб ёш, умидли спортчиларнинг етишиб чиқишига ўз муносиб улушини қўшди...

Олимпия ўринбосарларини тайёрлаш Республика билим юртида хайрли анъанага қул уришди: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Геннадий Майборода хотирасига бағишланган енгил атлетика бўйича республика очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Очиқ биринчиликда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан келган 150 га яқин енгил атлетикачилар спортнинг 24 тури бўйича ўзаро беллашдилар. Унда кўпгина ёш спортчилар салмоқли натижаларга эришишди. Жумладан, республика миқёсидаги охирги икки мусобақанинг ғолиби бўлмиш қисқа масофаларга югурувчи спортчи Любовь Перепелова Майборода хотирасига бағишланган биринчиликда ҳам зафар қучиб, спорт устаси талабларини бажаришга муваффақ бўлди. Ўз вақтида уч ҳатлаб сакраш бўйича республика чемпиони бўлган Г. Майборода хотирасига бағишланган махсус соврин — биллур вазани эса спортнинг ушбу тури бўйича беллашувларда 14 метр 35 сантиметр натижа билан ғолиб чиққан Максим Чубукин қўлга киритди.

Шуниси қувонарлики мазкур биринчилик янги номларни, Ўзбекистоннинг янги олимпиада умидларини кашф этди. Г. Майборода хотирасига бағишланган енгил атлетикачиларнинг навбатдаги мусобақаси эса шу йилнинг декабрь ойида Ўзбекистоннинг қишки чемпионати тарзида ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

*СУРАТЛАРДА: Г. Майборода хотирасига бағишланган биринчилик баҳслари ана шундай қизиқарли ўтди.*

*Карен Агамян олган суратлар.*

# ШИНГИЛ ТАБАССУМ

### КЎЗАДАГИ СУВ

Икки киши суҳбатлашиб кетишарди. Улардан бири дўстига деди:

— Кеча хотиним билан ади-бади айтишгандик, сув билан уриб бошимни ёрди.

— Сув билан ҳам бошни ёриб бўларканми?

— Ахир сув кўзанинг ичида эди-да!

### ЗАМОНАВИЙ СЕВГИ

Йигит: Азизим, айтчи, фақат мени севасанми?

Қиз: Ҳа, Алишер ака!

Йигит: Алишер ким? Ахир мен Баҳодирман-ку!

Қиз: Вой, эсим қурсин. Бугун чоршанба эмасми?

### ҲАҚИҚИЙ ЖАВОБ

Бир қиз ўзи севган йигитга деди:

— Мени ростдан ҳам севасанми?

— Ҳеч шубҳасиз, жоним.

— Мен учун жонингни фидо қилишга ҳам тайёрмисан?

— Асло! Чунки менинг муҳаббатим абадий! — деб жавоб берди йигит.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

*Турфа олам*

## ҚАҲВА ЗАРАРЛИМИ ЁКИ ФОЙДАЛИ?

Голландиялик ва америкалик олимлар қаҳванинг фойдали ёки зарарли эканлигини текшириш мақсадида ажойиб тажриба ўтказишди. Улар умумий ҳисобда 133 миллион дона идишдаги қаҳвани хўрандаларга ичириб унинг кунига ичилган 4-5 стакани зарарсиз эканлигини аниқладилар. Қаҳванинг юрак уриши ва бошқа органларга таъсири кам сезиларли эканлигини кўрсатиб, ёши 40 дан 75 гача бўлган эркаклардан 45589 киши буни амалда тасдиқлаганлиги маълум қилинди. Таркибида кофеини бор бўлган қаҳва фойдали, кофеини бўлмагани эса унга қараганда 1,63 марта кўпроқ юрак хасталикларини келтириб чиқариши мумкин экан.

## ТАМАКИНИНГ ЗАВОЛИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра 1991-2025 йиллар орасидаги давр ичида тамаки 10 миллион кишининг умрига завол бўлади. Буларнинг икки миллиони Хитой чекувчиларига тўғри келади. Бундан хабар топган Хитой маъмурияти жамоатчилик йиғиладиган жойларда чекишни ман қилиб, тамаки нархини кўтаришга қарор қилди.

## ШИША МЕТАЛЛГА ТЕНГЛАШДИ

Дунёга машҳур немис фирмаси «Шотт» ишлаб чиқарган шиша нур ўтказгич ўн миллион марта букиб-тўғрилаш тажрибасига бардош берди. Ушбу тажриба рекорд сифатида қабул қилиниб, бундай шишадан ясалган толалар машина ва механизмларнинг ҳаракатланувчи қисмлари орасида ахборотни узатиш мақсадларида қўлланилиши мумкинлигини исботлади. Қизиғи шундаки, мана шундай мақсадларда ишлатиладиган металлдан ясалган деталлар ҳам 10 миллион циклдаги тажрибаларга дучор қилинади.

## АНАНАС ТОЛАСИДАН ГАЗМОЛ

Япониянинг «Канабо» фирмаси ананаснинг толасидан газмол ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Масала шундаки, тола юқори пишиқликка, мустаҳкамлик ва шу каби бошқа ажойиб хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, дарахт баргидан олинади. Бу ўсимликнинг камайишига эмас, балки янада кўпайтирилишига, ананас меваси ҳамда ундан тайёрланадиган озуқа маҳсулотларининг янада мўл бўлишига олиб келувчи омиллардан бўлиб қолади деган фикрлар билдирилмоқда.

## ОКЕАН СУВЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ

Оламнинг учдан икки қисми сув билан қопланганлиги ҳаммага маълум. Аммо бу сувнинг доимий ҳаракатда эканлиги кўпчиликка аён бўлмаслиги мумкин. Олимларнинг текширишларига қараганда Атлантика океани таг сувининг юзасидаги ўрнини олиши учун камида 400 йил, Тинч океани сувлари учун бу муддат 1500 йилни талаб этади. Анча секинлик билан борувчи бу зарур жараён океанлардаги турли оқимлар ҳисобига амалга ошар экан.

Қудрат АҲМЕРОВ, қимёгар.

*Кўкларга парвоз эт, оққанот қушчам.*
*Равиль Альбеков олган суратлар.*

*Ажаб савдолар*

## ЧЎНТАККЕСАР ЖАЗОСИ

Рўзғорга майда-чуйда харид қилиб, Чорсудан 35-йўналишдаги автобусга амаллаб чиқдим. Ёнимдаги икки йигит «Ҳа чиқинглар, олдинга юринглар, бўлинглар» деб йўловчиларнинг ҳамёнини «тозалаш» билан овора. Автобус Кўкчага аранг етиб келди. Одам тирбанд. Шунда қўшнимизнинг қизи Азизахон автобусдан тушиб, бояги йигитлардан бирининг ёқасидан маҳкам олиб бақирди:

— Қани қайтар ҳамёнимни, бўлмаса кўрсатаман.

Азизахон кўкрақдор, худди забардаст йигитлардай гавдали аёл эди. Шунда чўнтаккесар йигитлардан бири ҳамённи ерга ташлаб юборди.

— Мана сенга чўнтакка тушиш, — деб Азизахон бояги йигитни учли туфлиси билан бир тепди. Йигит «ох» деганча ғужанак бўлиб қолди. Унинг шериги эса алдақачон жуфтакни ростлаб бўлган эди. Бу ҳолатни автобусдагилар кузатиб туриб:

— Яша, қизим, роса боплабсан, — дейишди.

Азизахон шунда:

— Биз жуда кўнгилчанмиз, бироз қўрқоқмиз ҳам. Шундай кимсаларга лоқайд қараймиз. Аслида уларнинг попугини пасайтириб қўйиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Қуриб туриб индамай кетаверамиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Азизахондек шер юраклилар кўпайса шояд.

### ИНСОФ

Шифохонада даволанаётган собиқ синфдошимни кўриш учун Шофайзиқулоқ бекатидан автобусга чиқдим. Ҳамёнга қўл солиб, пул олиш амри маҳол. Йўловчилар билан лиқ тўла автобус илдам кетмоқда. Ёнимдаги икки басавлат йигитларнинг бири тун кийган, иккинчиси эса костюм-шимда. Иккининг кўзлари бежо. Ҳар бир аёлнинг ҳамёни ёки қулидаги сумкасини кузлаб, уларга сездирмай оҳиста қўл тиқишарди.

Бу манзарани кузатиб, асабим таранглашарди. Сабр қилиб йўлимда давом этдим. Ниҳоят автобус мен тушадиган бекатга келди. Амаллаб тушдим. Шунда ҳалиги икки барзанги киссаворлар ҳам тушди. Узимни бироз босиб:

— Ҳой, укалар! Бир гап айтсам хафа бўлмайсизларми? — дедим.

— Йўқ, нима эди?

— Сизлар ёшсизлар, бақувватсизлар. Мен эса 60 га боряпман. Сизларни кузатиб келдим, қўлгина опа-сингилларимизнинг ҳамёнларини тинчитиб кетдиларинг. Шу инсофданми?

Уларнинг бири менга илжайиб туриб:

— Ҳеч ким «Ҳой» демагандан сўнг чўнтакларга тушамизда. Кўпчилик ўзини курмаганга олиб тескари қараб туришади. Бу эса бизга жуда қулай шароит. Ҳар куни одатимиз шу, — деди.

— Сизга қойилмиз амаки, юрагингиз бор экан,— деди иккинчиси, — мана анчадан бери шу «ҳунар»имизни канда қилмай келамиз. Бирон одам сизчалик юрагидан майин гапирмаган эди. Гапларингизни эътиборга оламиз.

Илоҳим инсоф бергани рост бўлсин.

Омон САЙДАМИНОВ, муаллим.

**ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 25 мартда чиқади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

## ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

25 март — 31 март

### ДУШАНБА, 25

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Хафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Дўстлар учрашганда». Мурод Ражабов.
9.30 «Мактабимиз — фахримиз». Наврўз кўрик-танлови.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг!». Публицистик кўрсатув.
10.35 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
11.15 «Сўғдиёна» камер оркестри Германияда.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
12.35 «Сўнгги найранг». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.

**Публицистик кўрсатувлар дастури:**

18.10 1. «Ватанни севмоқ иймондандур!»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 2. Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 3. «Ватанни севмоқ иймондандур!» (давоми).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Адашлар». Кинокўрсатув.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.20 «Мусиқа, холос...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.30 ТВ II намойиш этади.
21.40 «Уфқлар».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Палиостоми қўли», «Қўриқхонадаги уйлар». Телефильмлар.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
**18.20 — 21.40**

*

21.40 «Резидент»нинг тақдири». Бадиий фильм. 1-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Лаҳза». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**23.30 — 23.50**

*

23.50 — 24.00 «Бернора Қориева рақсга тушади». Фильм-концерт.

**IV**

17.05 «Кўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
17.40 «Дунё эшиги». «Маърифат» халқаро жамияти иш фаолияти ҳақида (такрор.).

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «5+1». Интервью.
20.30 «Оқ соя».
21.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.30 «Спорт-тайм». Навоий тоғ-металлургия комбинатида спортнинг ривожланиши ҳақида.
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.05 «Офарин-96». Фестиваль якунлари (такрор.).

### СЕШАНБА, 26

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Наврўз».
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Онамнинг ўгитлари». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Ўсмир ва қонун». Тележурнал.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат шайдолари». Телебеллашув.
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Деҳқон баҳори». Публицистик кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Аксс-садо». Қуддус Аъзамнинг муаллифлик кўрсатуви.
21.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
22.20 «Мактуб — кўнгил ойнаси».
22.55 Саида Зуннунова. «Ёлғизлик». Теленовелла.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».
23.30 — 00.15 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ноёб кўргазма». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

**18.20 — 21.40**

*

21.40 «Резидент»нинг тақдири». Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Бу ажиб дунё».

*

**Россия давлат телевидениеси**
**23.30 — 23.50**

*

23.50 — 00.05 «Тоғ қўлларининг сири». Телефильм.

**IV**

17.00 «Отларни ким эгарлайди?», «Уюрда қолишга ҳақли». Телефильмлар.
17.25 «Мусиқий меҳмонхона» (такрор.).

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Каталог».
21.30 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Мусиқий Ўзбекистон».
23.05 — 23.55 «Тошкентнома».

### ЧОРШАНБА, 27

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Хотира». Сайфуддин Йўлдошев.
9.05 «Кашф этилаётган имкониятлар».
9.30 Саида Зуннунова. «Ёлғизлик». Теленовелла.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Соғлом авлод учун». Тележурнал.

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.00 «Ассалом, япон тили».

*

11.40 «Умр мазмуни». Телеочерк.
12.00 «Синфдош». Тележурнал.
12.30 «Биз танлаган касб». Телефильм.
13.00 «Истиклол маликалари». Телеҳикоя.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ғазалхон ёшлигим».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Осойишталик посбонлари».
19.00 «Соз сеҳри». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Йўлдошев.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Андижон вилояти.
21.40 Халқаро Театр куни. «Сарҳадлари чексиз санъат». Видеоканал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Ёлқин». Тележурнал.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Қулгига нима етсин».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.10 — 00.10 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Афсоналар ўлкаси». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

**18.20 — 21.40**

*

21.40 «Клиника». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Дунганча тўй». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**23.30 — 23.50**

*

23.50 «Қора сувсар изидан». Телефильм.

**IV**

17.00 «Сизга таъзим».
17.30 «Фильмлар ва тақдирлар».

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жонли тил». Танлов дастури.
21.00 «Дорихона эшитади...» Бевосита мулоқот.
21.35 «Бу бўстон аро...»
22.05 «02» тўлқинида.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 23.25 «Тошкент оқшомида».

### ПАЙШАНБА, 28

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
8.55 «Қутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.
9.30 «Елқин». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Ўзбек тили.
10.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Жўрахон ака».
10.50 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия муассасалари.
11.30 «Фусункорсан, баҳор». Мусиқий дастур.
12.00 «Уран» сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
13.35 «Қишлоқ тадбиркорлари». «Қаловини топсанг». Телеочерк.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Компьютер сабоқлари».
18.45 «Шартнома ҳаққоний бўлсин!». Публицистик кўрсатув.
19.15 «Шеърият». Жуманиёз Жабборов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Шукрулло Рўзматов билан мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эътироф». Амир Темур жамғармаси. Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.35 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Устоз ва шогирд». Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазохидова ва Хурсаной Қодирова.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармед».
20.05 «Мусиқа, холос...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 «Автосалон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 — 00.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тун маликаси гуллаганда». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

**18.20 — 21.40**

*

21.40 «Пул ранги». Бадиий фильм.
23.10 Янгиликлар.
23.15 Эълонлар.
23.20 Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**23.30 — 23.50**

*

23.50 — 00.05 «Боғлар кўрки». Телефильм.

**IV**

17.05 «Дунё ва болалар».
17.35 «Компьютер-ревю» (такрор.).
18.00 «Қўқоннинг латиф ёдгорликлари». Телефильм.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жанггоҳларда тобланган тақдирлар».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Кинематограф».
22.40 «Туризм-ревю».
23.20 — 23.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

### ЖУМА, 29

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Устоз ва шогирд». Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазохидова ва Хурсаной Қодирова.
9.10 «Бахтиёр шаҳзода». Мультфильм.
9.30 Немис тили.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёдингиздами?». Кинодастур.
10.45 «Талабалик йилларим». Таҳлилий кўрсатув.
11.15 «Санъат ғунчалари». Концерт.
11.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Ўйлаймиз-у ўйнаймиз».
18.50 «Мулкдор». Телеочерк.
19.15 «Автоолам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Олтин мерос», Халқ артисти Тамарахоним.
21.40 «Ойдаги доғлар». Публицистик кўрсатув.
22.20 «Нигоҳ». Баҳс-мунозара.
23.05 Мусиқий дақиқалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги.

**II**

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Ривоят».
18.45 «Жума тақвими».
18.50 «Эртага — шанба».
19.10 Оҳанглар оғушида.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тасвир».
21.25 «Таманно».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

**III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Таманно». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

**18.20 — 21.40**

*

21.40 «Қайсар қизнинг қуйилиши». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Гўзаллик уйи». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**23.30 — 23.50**

*

23.50 — 00.20 «Шоҳсупа сари».

**IV**

17.00 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
17.30 «Замандас» (қозоқ тилида).

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дарсга қўнғироқ».
20.30 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.25 «Бизнес-академия».
21.50 «Тақдирлар». Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Шарипова ижоди ҳақида.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 23.55 «Макр, муҳаббат, пул». Вахтангов номидаги Москва Давлат театри спектакли.

### ШАНБА, 30

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Нигоҳ». Баҳс-мунозара.
9.25 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
10.10 «Қизиқарли учрашувлар». Ҳожибой Тожибоев.
10.50 «Олимп сари». Спорт дастури.
11.10 «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
12.25 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.55 — 14.55 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 «Санъат олами». Ўлмас анъаналар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 1-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.15 «Актёрлар ва роллар». Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрининг актёри Дилором Сафоева.
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

**II**

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.10 «Ҳайвонот оламининг сири».
11.10 «Сизнинг услуб».
11.15 «Автосалон».
11.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.05 «Кинонигоҳ».
13.45 — 14.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

* * *

18.00 «Совға».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Мактуб».
18.45 «Олам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Қўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 Видео — «О».

**III**

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Уйғур санъати». Фильм-концерт.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
**18.20 — 21.40**

*

21.40 «Кўҳна тоғлар афсонаси». Бадиий фильм.
22.55 «Қиз узатиб борганда». Телефильм.
23.25 Эълонлар.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**23.30 — 23.50**

*

23.50 — 00.10 «Жонли сайёра».

**IV**

10.00 «Энг чиройли кемачалар». Болалар учун фильм. 1-серия.
11.15 Эълонлар.
11.20 «Айчурек» (қирғиз тилида).
12.00 «Сирдошим». Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси С. Турсунова билан суҳбат (такрор.).
12.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
13.15 «Подиум».
13.35 — 14.15 «Ирэндек» (бошқирд тилида).

***

17.10 «Сиз учун учрашувлар». «Юные дарования Узбекистана» камер оркестри.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Эллада».
23.10 — 23.30 «Бу ажиб дунё».

### ЯКШАНБА, 31

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Устоз ва мураббий». Оқилхон Шарофутдинов.
11.30 «Шоҳруҳ» клуби.
12.00 «Актёрлар ва роллар». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрининг актёри Дилором Сафоева.
13.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.50 — 15.30 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Дилдан қўйлаб, ўйна қувнаб». Концерт.
18.30 «Хазина». Тележурнал.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мен халқимнинг юрагида яшайман». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 2-серия.
21.35 «Барҳаёт наволар». Мусиқий дастур.
22.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 — 00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».

**II**

9.00 «Эртаклар оламига саёҳат».
9.20 «Ривоят».
9.30 «RAKS» тақдим этади.
10.00 «Тасвир».
10.25 «Таманно».
10.35 «Мактуб».
10.45 «Олам».
11.25 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.10 «Оҳанглар оғушида».
12.20 «Имкон чўққилари».
12.40 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
13.10 Видео янгиликлари.
13.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.00 Видео — «О».
15.40 — 16.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

* * *

18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO сайёраси».
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Оҳанглар оғушида».
21.15 «Илҳом сатрлари».
21.20 «Фармед».
21.30 «Даракчи».
21.40 «Келгуси ҳафтада».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 Видео — «О».
24.00 — 00.25 Футбол олами.

**III**

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 «Ёш истеъдодлар». Фильм-концерт.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
**17.20 — 21.50**

*

21.50 «Мискар». Телефильм.
22.00 «Панорама».
22.25 Эълонлар.
22.30 — 23.05 «Соғ бўлинг!».

**IV**

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
12.30 Эълонлар.
12.35 — 13.00 «Эсдалик учун дастхат».

***

18.40 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
19.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўзбекистон — умумий уйимиз». Тамарахоним юбилейига бағишланган кўрсатув.
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Обисумбул» мақбараси ҳақида ҳикоя». 3-кўрсатув.
21.50 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.20 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 — 23.35 «Чинсэн».


**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Газ ва водопровод қувури ётқизилиши муносабати билан беркитилган Терновский кўчасидан қатновчи 2 м, 10, 28, 116-йўналишдаги транспортлар ҳаракати

25 мартдан бошлаб икки ҳафта давомида

Қамарнисо кўчасидан Шифокор кўчаси бўйлаб, қайтишда эса Терновский кўчасидан қатнайди.

***«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ.***

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Режали равишда алоқа кабелини таъмирлаш муносабати билан Фарҳод кўчасидаги 14, 16-уйлар, Танеев кўчасидаги 31, 33-уйларда, ҳамда Саломатин тор кўчасидаги уйларда яшовчи

**50-АТС АБОНЕНТЛАРИДА вақтинча, 22 март-5 апрель кунлари АЛОҚА БЎЛМАЙДИ.**

***

Алоқа иншоотларида режали равишда таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан **Тепловозная, М. Ҳасанова, Дорожная, Краснохолмская, Тўрткўл, Майкоп, Воровский** (ТАПО и Ч) **кўчаларида яшовчи** 96-АТС АБОНЕНТЛАРИДА ВАҚТИНЧА

**25 март — 4 апрель кунлари ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ**

***

Алоқа иншоотларида режали равишда таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан **Строительная кўчасидаги 1, 4, 5, 7, 19, 22, 23, 26-уйларда ва Проектная кўчасидаги 7-уйда яшовчи 90/92-АТС АБОНЕНТЛАРИДА ВАҚТИНЧА, 25 март — 3 апрель кунлари ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ**

***Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.***

*хусусий эълон*

Охунбобоев жамоа хўжалигида жойлашган 7 хонали, 15 сотих ерли, жуда ҳам қулай тушган, ҳамма шароитлари бор уй-жой

**СОТИЛАДИ Т. 46-28-47.**


Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Саноат ва фуқаро қурилиши факультети декани, профессор Ҳусниддин Нуриддиновга укаси **Ўткир НУРИДДИНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-